

Ўзинг ихтиёр қил (тўртинчи мақола)

Image not found or type unknown



09:30 / 06.11.2019 3295

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига хос ҳикмат ила иш тутдилар. У зот урушда катта мусибатга учраган аслзода аёлнинг, яъни София бинти Ҳужай розияллоҳу анҳонинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдилар. Унга асирага эмас, бировда ҳаққи бор кишига қилинадиган муомалани қилдилар. Охир-оқибат ўша ҳикматли ишлар ўз самарасини берди ва Исломи иши олға босди.

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи «Тобақот»да келтирадилар:

«София Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирганда у зот унга:

«Аллоҳ отангни қатл қилгунча у менга яҳудийларнинг энг ашаддий адоватлиси бўлди», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ Ўз Китобида «Бировнинг гуноҳини биров кўтармайди», деган», деди у.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Сен ўзинг ихтиёр қил. Агар Исломни ихтиёр қилсанг, сени ўзим учун олиб қоламан. Агар яҳудийларни ихтиёр қилсанг, озод қиламан, бориб, қавминга қўшилиб оласан», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, сиз мени даъват қилишингиздан олдин мен Исломни ёқтирганман ва сизни тасдиқ қилганман. Яҳудийларда менинг ҳожатим ҳам, отам ҳам, акам ҳам йўқ. Сиз менга куфр ва Исломдан бирини танлаш ихтиёрини бердингиз. Мен учун Аллоҳ ва Унинг Расули озодлик ва қавминга қайтишдан кўра маҳбуброқдир», деди.

Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўзларига олдилар».

Абу Яъло ўз китобларида ўша биринчи суҳбат ҳақида София бинти Хуяй розияллоҳу анҳонинг ўзлари айтган сўзларни келтирадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига етиб борганимда мен учун у кишидан кўра ёмонроқ одам йўқ эди. У зот «Қавминг у қилди, бу қилди», дедилар. Ўтирган жойимдан турганимда эса мен учун у кишидан маҳбуброқ бирор одам йўқ бўлиб қолган эди».

Бу мўъжизадан бошқа нарса эмас: кечагина отаси, амакиси, эри ва бошқа қариндошларини қатл этиб, қавмининг мағлубиятига сабаб бўлган томоннинг бошлиғига бугун София бинти Хуяй розияллоҳу анҳо шунчалик муҳаббат қилиб, турмушга чиқишга ва қавмига қайтиб бормасликка рози бўлиб турса, буни мўъжиза демай, яна қандай атамоқ мумкин?!

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам София бинти Хуяй розияллоҳу анҳонинг озод қилинишларини маҳр этдилар. Шундай қилиб, чўрини озод қилишнинг маҳр ўрнига ўтиши шариат ҳукми бўлиб қолди.

София бинти Хуяй розияллоҳу анҳонинг бунчалик даражага боришларига бошқа бир сабаб ҳам бор эди. Бу сабаб ҳақида Тобарий ва бошқа тарихчилар қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«У Кинона ибн Робийъга келин бўлиб тушганда уйқусида туш кўрибди. Ясриб томондан бир ой келиб, унинг қўйнига кирибди. Бу тушни эшитган Кинона:

«Бу сенинг Ҳижознинг подшоҳи Муҳаммадни орзу қилишингдан бошқа нарса эмас!» деб бақирди ва унга тарсаки туширди. Ўша тарсакининг изи кейин ҳам қолди».

Бу ҳол ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг София бинти Ҳуяй розияллоҳу анҳога уйланишлари оддий ҳолат эмаслигидан дарак беради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир ишлари илоҳий ҳикматга боғлиқ бўлганидек, у зотнинг София бинти Ҳуяй розияллоҳу анҳо билан бўлган алоқалари ҳам шундай ҳикматга оид эди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан